



100011, Toshkent shahri, Abay ko'chasi, 6-uy, Tel. 71-210-11-04, E-mail: info@mc.uz, www.minstroy.uz

№ 2065/31-02

"03" 03 2020

**Вазирлик тизимидағи қуий ва лойиха  
ташкилотлари раҳбарларига  
(рўйхат бўйича)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 19 февралдаги № 05-577-сонли хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма тўқиз йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг архитектура ва қуилиш вакилларини касб байрамлари арафасида жамиятимиз хаётининг барча тармоқларида самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақи ва тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган, ватанпарварлиги, фидойилиги, ташаббускорлиги ва фаоллиги билан эл-юрт иззат-хурматига сазовор бўлган ватандошларимизни давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун номзодларни тақдим этишингиз сўралади.

Давлат мукофотларига номзодларни танлашда адолат, ҳолислик ва қонунийликни таъминлаш ҳамда тегишли меҳнат жамоаларининг фикрини инобатга олган ҳолда соҳанинг энг илғор, ибратли ва обручи вакилларини тавсия қилишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Тақдирлашга тавсия этилаётган номзодларнинг мукофот варакалари, маълумотномалари (справка-объективка), меҳнат фаолияти давомида эришган ютуқлари акс эттирилган тавсифномалари (аннотация) талаб даражасида расмийлаштирилиши зарур.

Мукофотлашга доир хужжатларни ҳамда уларнинг электрон шаклини жорий йилнинг **20 март** кунига қадар Кадрлар бошқармасига тақдим этишингизни сўрайман.

Илова: 2 варакда.

**Вазирнинг  
биринчи ўринбосари**

**Ш.Хидоятов**

Қурилиш вазирлигининг  
2020 йил \_\_\_\_ мартдаги  
\_\_\_\_ - сонли хатига 1-илова

## Давлат мукофотларига тавсия этиладиган ҳар бир номзод учун қўйиладиган талаблар

“Ўзбекистон Қахрамони” унвонига Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқиёсида шон-шуҳратини юксалтириш, юртимиз равнаки йўлидаги кенг қўламли ислоҳотларни муваффакиятли амалга ошириш, ҳалқимиз фаровонлигини таъминлаш борасида давлат ва ҳалқ олдидағи улкан хизматлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иктисодий ва бошқа соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, юксак истеъоди ва салоҳияти, касбий маҳорати, илмий-амалий ютуқлари ва инновацион изланишлари ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси билан кенг жамоатчилик орасида хурмат-эътиборга сазовор бўлган соҳа ҳодимларини тавсия этиш лозим.

### **Фахрий унвонга тавсия этиладиган номзодларга қўйиладиган талаблар:**

- мамлакатимиз архитектура ва қурилиш соҳаси ривожига ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган;
- тизимдаги ислоҳотларни муваффакиятли амалга ошириш, соҳага оид дастурлар яратиш, рақамлаштириш ва янги инновацион гояларни амалиётга жорий этишда фаол иштирок этаётган;
- янги технологияларга асосланган йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашаётган;
- ихтиро ва риолизаторлик таклифларни ишлаб чиқишида юқори касбий маҳоратини намоён этаётган;
- самарали меҳнатлари эътироф этилиб, қурилиш соҳасида юқори натижаларни қўлга киритган ва бошқа кўплаб салмоқли ютуқларга эришаётган соҳа ҳодимларини тавсия этиш лозим.

“Ўзбекистон Қахрамони” унвони, “Ўзбекистон Ресепубликасида хизмат кўрсатган қурувчи”, “Ўзбекистон Ресепубликасида хизмат кўрсатган меъмор” фахрий унвонларига номзодлар камида 3 йил илгари бошқа давлат мукофотлари билан тақдирланган бўлишлари лозим.

## Давлат мукофотларига тавсия этиладиган ҳар бир номзод учун тақдим етиладиган ҳужжатлар рўйхати

1. Мукофот варақаси;
2. Маълумотнома (объективка);
3. Тавсифнома (аннотация);
4. Паспорт нусхаси;
5. Фотосурат (9x12 ҳажмда, оқ фонда) - 2 дона;
6. Меҳнат жамоасининг баённомасидан қўчирма;
7. Корхонадан тавсия этилган номзодлар учун “Корхона паспорти” ва сўнгги уч йиллик кўрсаткичлар жадвали;
8. Ҳужжатларнинг электрон нусхаси (мукофотлаш дастурига кириллаган ҳолда.)

Қурилиш вазирлигининг  
2019 йил 3 марта  
2065-сонли хатига 2-илова

**Давлат мукофотларига тавсия этиладиган номзодлар сони**

№	Ташкилот номи	Ўзбекистон Қаҳромони унвонига	Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган курувчи фаҳрий унвони	Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мъемори фаҳрий унвони	Бошқа мукофотларга
1.	“ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК	1	1	1	2
2.	“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК	1	1	1	2
3.	“ЎзГАШКЛИТИ” ДУК	1	1	1	2
4.	“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ	1	1	1	2
5.	“Ўзғирсаноатлойиҳа” АЖ	1	1	1	2
6.	“ТошуйжойЛИТИ” АЖ	1	1	1	2
7.	“Ташгипрогор” АЖ	1	1	1	2
8.	“12-Трест” МЧЖ	1	1	1	2
9.	"Ўзшаҳарқурилишинвест" МЧЖ	1	1	1	2
10.	“Қишлоққурилишинвест” МЧЖ	1	1	1	2
11.	Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар курилиш бош бошқармалари	1	1	1	2
12.	Тошкент архитектура-қурилиш институти	1	1	1	2
13.	Самарқанд давлат архитектура- қурилиш институти	1	1	1	2